

Сув омборлари таснифлари

Марузачи:

т.ф.н. Ф. Гаппаров

Сув омборларини гидрологик тавсифланиши



**Сув омборларини дарёларнинг оқим режимини ростлаш
шароитига ва жойлашган ўрнига боғлиқ ҳолда
тавсифланиши**



**Сув омборларини морфометрик тавсифланиши ва
морфометрик кўрсаткичлари, сув алмашинуви бўйича
синфи**

Сув омборини ташкил этилиш мақсадига кўра тавсифланиши

- Суғориш;
- Энергетика;
- Суғориш ва энергетика;
- Энергетика ва суғориш;
- Суғориш, сув таъминоти, балиқчилик;
- Суғориш ва селдан ҳимоялаш;
- Рекреация.

Сув
омборларини
дарёларнинг
оқим режимини
ростлаш
шароитига
(тўйинишига)

Ўзанли

Қуйилма

Аралаш



Сув омборлари дарёларнинг оқим режимини ростлаш бўйича тавсифланиши

- Сувдан фойдаланувчилар вазифалари, хусусиятлари ва таркибига боғлиқ ҳолда оқим ҳажмини ростлаш мақсадига мувофиқ давом этиш, оқимдан фойдаланиш даражасига қараб таснифланади.
- Сув омборлари мақсадига мувофиқ бўйича **захирали, ушлаб турувчи** (*сув тошқинига қарши*) ва **комплексли** омборларга бўлинади.
- Захирали сув омборларининг вазифаси камсув даврларда сув сарфларини оширишдир. Улар энергетика, маиший, саноат, қишлоқ хўжалиги, балиқ хўжалиги, дарё транспорти ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлатилади.
- Ушлаб турувчи омборлар (сув тошқинига қарши) сув тошқини ва сел оқимларига қарши курашиш учун мўлжалланган.
- Комплексли сув омборлари захирали ва ушлаб турувчи сув омборлари вазифасини қўшиб бажаради.
- **Давом этиши бўйича оқим ҳажмини ростлаш кунлик, ҳафталик, қисқа муддатли, мавсумий (йиллик) ва кўп йиллик турларга бўлинади.**

Оқим ҳажмини мавсумий (йиллик) ростланиши

- **Оқим ҳажмини мавсумий (йиллик) ростланиши,** сув омборларидаги оқим ҳажмини мавсум ёки йил давомида қайта тақсимланишидир.
- Оқим ҳажмини мавсумий ростланишидан мақсад серсув мавсумда сув тўплаб, камсув даврда ундан фойдаланишдир.
- Ўзбекистондаги кўпчилик сув омборлари мавсумий(йиллик) ростланишда бўлиб, улардан сув таъминотида, энергетикада, суғоришда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилади.

Оқим ҳажмини кўп йиллик ростланиши

- **Оқим ҳажмини кўп йиллик ростланиши** оқим ҳажмини ростлашнинг энг тўлиқ ва энг мукаммал тури бўлиб, сув ресурсларидан комплекс мақсадларда фойдаланиш имконини беради.
- Сув омборидаги оқим ҳажми узок муддатли кўп йиллик даврда қайта тақсимланади. Сув омбори серсув йилларда сувга тўлдирилади, камсув йилларда эса сувдан бўшатилади.
- Оқим ҳажмини кўп йиллик ростланиши катта сиғимдаги сув омборларини қуришни тақозо этади.

Сув омборларини жойлашган ўрнига боғлиқ ҳолда тавсифланиши

- **Текисликлар сув омборлари** қуйидаги асосий белгилар: катта бўлмаган максимал(камдан-кам 25м.дан кўпроқ) ва ўртача (одатда 5 – 9 м) чуқурлик билан, чуқур бўлмаган (2 – 7 м); сатҳнинг ўзгариши туфайли сув юзасининг ўзгариши бўйича характерланади.
- **Тоғ олди сув омборлари** қуйидаги асосий белгилар: катта максимал(70-100 м гача) ва ўртача чуқурлик билан (30 – 35 м), сезиларли ишлаш чуқурлиги (10 – 20 м); текисликлардагига нисбатан камроқ, қирғоқлар ва тошқинни қайта ишлаш, баланд ва тик қирғоқлари билан характерланади.
- **Тоғ сув омборлари** катта бўлмаган акватория майдони ва сув босган ерларнинг майдони 10 км² дан ошмаслиги, катта чуқурликга эгаллиги (100 – 200 м); ишлаш чуқурлиги жуда катталиги (50 – 100 м); текисликлардагига нисбатан сув юзаси камроқ кескин ўзгариши; шамол тўлқинларнинг ва қирғоқларни сув босишининг сезиларли даражада камлиги; сувга чидамли қоя жинсларининг кўшилиши; қирғоқларнинг ўпирилиш деформатсиялари ва тоғ дарёларидаги оқизикларнинг кўплиги туфайли интенсив равишда лойқа босиши каби хусусиятлар билан характерланади.

Сув омборларини морфометрик тавсифланиши

Сув омбор категорияси	Тўлиқ ҳажми, км ³	Сув юзаси майдони, км ²	Сув омборлар умумий сонига нисбати, %
Улкан	50 дан катта	5000 дан катта	0,1 дан кам
Йирик	50 – 10	5000 – 500	1
Катта	10 – 1	500 – 100	5
Ўрта	1 – 0,1	100 – 20	15
Кичик	0,1 – 0,01	20 – 2	35
Маида	0,01 дан кичик	2 дан кичик	44

Сув омбор категорияси	Энг юқори чуқурлик, м	Ўртача чуқурлик, м
Ниҳоятда чуқур	200 дан катта	60 дан катта
Жуда чуқур	100 – 200	30 – 60
Чуқур	50 – 99	15 – 29
Ўрта чуқур	20 -49	7 – 14
Чуқур бўлмаган	10 – 19	3 – 6
Саёз	10 дан кичик	3 дан кичик

Сув омборлари сатҳларини ўзгариши бўйича тавсифланиши

Ўзгариш даражаси характеристикаси	Амплитуда, м	Мисол
Майда	1 дан кам	
Кичик	1 – 3	
Ўрта	3 – 10	
Катта	11 – 30	
Йирик	31 – 100	
Улкан	100 дан кўп	

Сув омборларини морфометрик кўрсаткичлари

Ҳажм, млн.м ³			Узунлик, км (МДС)	Эни (МДС), макс / ўртача, км	Чуқурлик, макс / ўртача, м, (МДС)	Сув омборининг юзаси, км ²		МДС да 2 м гача чуқурликдаги сув юзаси, км ²	Қирғоқ узунлиги (МДС), км	Сув сатҳи белгилари, м.	
тўла	фойдали	ўлик				МДС да	ЎСС да			Меъёрий димланиш сатҳи, (МДС)	Ўлик сув сатҳ, (ЎСС)
250,0	224,0	26,0	13,5	<u>4,0</u> 2,2	<u>34,0</u> 16,0	20,0	4,0	2,9	33	394,0	373,9 (371.65)

Сув алмашинуви бўйича тавсифи

Сувнинг алмашинув даражаси	Сувнинг алмашинув кўрсатгичи
Ниҳоятда катта	2 дан катта
Жуда катта	1-2
Катта	0,5-0,99
ўртача	0,25-0,49

Иқлим минтақалари бўйича баландликлардаги жойлашуви
(денгиз сатҳидан баландлиги, м)

Сув омбор тури	Субарктик	Мўтадил		Субтропик ва тропик	Субэкватор ва экватор
		Шимолий қисм	Жанубий қисм		
Текистлик ва пасттекистликлардаги сув омборлар	0-200	0-500	0- 700	0 – 1000	0 – 1200
Тоғолди ҳудуддаги сув омборлар	200-500	500-1000	700-1200	1000 – 1500	1200 – 2000
Тоғли ҳудуддаги сув омборлар	500 дан юқори	1000-1500	1200 - 2000	1500 – 2500	2000 – 3000
Баланд тоғли ҳудуддаги сув омборлар	-	1500 дан юқори	2000 дан юқори	2500 дан юқори	3000 дан юқори

Республикалар номи	1895-1917 й.й.	1917- 1940 й.й.	1941- 1950 й.й.	1951- 160 й.й.	1961- 1970 й.й	1971- 1980 й.й	1981- 1990 йй.	жами
Қирғизистон	1	1		5	9	6	2	24
Ўзбекистон			3	5	5	12	3	28
Тожикистон			1	2	3	2		8
Туркменистон	4	1	1	3	6	1		16
Ўрта Осиё бўйича	5	2	5	15	23	21	5	76
Ўрта Осиё сув омборлари умумий сифими (млн.м ³)	172,0	167,0	1570,0	6478,4	4669,1	35032,5	861,3	48950 ,3